

Капитал бозорини янада ривожлантириш, корхоналарни фонд бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш мамлакатимиз равнақи йўлидаги долзарб масалалардан бирига айланган.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни жорий йилда амалга оширишга оид давлат дастурида ушбу масала алоҳида мақсад сифатида кўрсатилгани фикримизнинг яққол ифодасидир. Тараққиёт стратегияда келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларида 7 миллиард АҚШ долларида етказиш кўрсатилган. Бун-

Ваҳоланки, дунё мамлакатларининг аксариятида фонд бозори ҳиссаси ялпи ички маҳсулот таркибиде сезиларли ва ундан ҳам кўп даражани ташкил этади. Бу ҳолат юртимизда ушбу бозорнинг иқтисодий ётадаги ўрнини кўтариш муҳимлигини аниқлатади. Айни шу сабабдан ҳам охириги йилларда бу масала давлатимиз раҳбари бошчилигидаги мажлисларда кўриб чиқилмоқда, тегишли қарорлар қабул қилиниб, қатор долзарб вазифалар юклатилмоқда. Биргина “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида кўрсатилган топшириқлар ижросини таъминлаш катта меҳнатни талаб қилиши табиий. Бунда тегишли идоралар мутахассислари, соҳанинг профессионал иштирокчилари, бу йўналишда илмий таҳлилларни олиб бораётган олимлар ўр-

бир-бирига мос келмайдиган ва бир-бирини инкор этадиган ҳолатларни бартараф қилиш учун стратегик тусдаги қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда фонд бозори банкларнинг кредит бозорига мутлақо рақобатчи эмас. Шунинг учун корхоналарни молиялаштиришда нафақат банк кредитлари, балки, қимматли қоғозлар чиқариш орқали маблағ жалб қилиш имкониятини тақдим этувчи механизмни яратишга қаратилган қимматли қоғозлар бозори рақобатбардошлилигини ошириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқишнинг вақти келди. Бошқа бир масала бу фонд бозорининг ҳудудларда суғурта даражадалиги билан изоҳланади. Фонд биржасининг 2021 йилги маълумотида қараганда, эмитентлар, битимлар ва қимматли қоғозлар сони ҳамда битимлар ҳажми бўйича пойтахтимиз ва Тош-

кент вилояти олдинги ўринларда, қолган ҳудудларда бу борадаги кўрсаткичлар паст ҳолатда. Айрим ҳудудларда инвестиция воситачиларининг етишмаслигини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси фонд бозорини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ҳаётга татбиқ этишга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозори ҳақидаги ахборотлар ошқоралиги тизимининг самарасизлиги ҳам ушбу бозор равнақига тўсиқ бўлиб турибди. Облигацияларнинг фаол бозори мавжудмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, облигациялар чиқариш ва уларни жойлаштириш орқали фонд биржасидаги савдолар ҳажмини бир неча баробарга кўтариш мумкин. Қимматли қоғозлар бозорида клиринг операцияларини амалга ошириш, қимматли қоғозлар билан савдонини олиб бориш, қимматли қоғозлар ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш каби кўп қиррали механизми ўзида қамраб олган миллий дастурий маҳсулотнинг йўқлиги ҳам бозор тараққиётига салбий таъсир қилмоқда. Шу боис ушбу дастурни ишлаб чиқиш ва бунда маҳаллий дастурчилар кўмагидан фойдаланиш даркор. Фонд бозоридаги муаммолар ечимда илмий ёндашувнинг йўқлиги, соҳадаги ўткир муаммоларни бартараф этиш жараёнига олимларни жалб қилишга эътиборсизлик ҳам камчиликлар сирасига киради.

Тадқиқотлар маркази бўлим бошлиғи Равшан Қаюмовнинг фикрича, фонд бозорини ривожлантириш масаласи молия бозорининг бошқа бўғинлари, яъни, валюта, кредит ва суғурта бозорлари ривожини ва улар ўртасидаги рақобатни шакллантириш билан уйғунликда кўриб чиқиши даркор. Инвестиция фаолияти, акциядорлик жамиятлари ҳамда пай ва инвестиция фондларига оид қонунлар инвесторлар ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш, рискларни пайлашувчи механизм ва инструментларни яратиш нуқтаи назардан такомиллаштирилиши лозим. Қимматли қоғозлар нархини баҳолаш механизмнинг методологик асосини ишлаб чиқиш зарур. Корпоратив қимматли қоғозлар жозибадорлигини ошириш учун корхона-эмитентлар рентабеллигини кўтариш мақсадга мувофиқ.

Инвестиция институтлари миллий

“молиявий инструмент”, “молиявий хизмат” ҳамда “капитал бозори”, “капитализация”, “инвестиция компанияси” ва “инвестиция банки” каби тушунча ҳамда атамаларга таъриф бериш керак. Бу билан келгусида амалиётда бир-бирига зид бўлган турлича талқинлар ва шарҳларга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, фонд биржаси листингига киритилган банклар ва компаниялар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга доимий котировка шаклланишидан ва ўз фаолияти ҳақида ахборотлар тўлиқ, тўғри, вақтида ошқор этилишидан мазкур банклар ва компаниялар ижроия органи ҳамда йирик акциядорларининг манфаатдор бўлишини таъминлаш шарт. Шундагина 2026 йилгача фонд бозори айланмаси саноқли битимлар билан эмас, балки, иккиламчи бозор ликвидлигини ошириш ҳисобида 7 миллиард долларга етказилади.

Тадбир ташаббускори бўлган ЎзЛиДеП масъуллари эътироф этганидек, тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни талаб даражасида бажариш учун соҳага оид давлат идоралари мутахассислари, профессионал иштирокчилар, бу йўналишда тадқиқот ишларини олиб бораётган олимларни кенг жалб қилган ҳолда муҳокамаларни ўтказиш доимий йўлга қўйилди. Пиривард мақсад мунозара майдонида билдирилган тақлиф-тавсияларни умумлаштириш, улардан тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланишдан иборат.

Замира ТОЖИЕВА.

Фонд бозори ривожланиши учун нима қилмоқ керак?



тасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, бир-галликдаги саъй-ҳаракат олдинга қўйилган мақсад талаблари асосида капитал бозорини ривожлантириш, хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва ушбу

жараёнларнинг шаффоғлигига эришишга қаратилган бўлиши лозим. Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари Бекзод Усмонов қайд этганидек, ҳақиқатдан ҳам анча йиллар давомида фонд бозорини ривожлантириш учун ҳаракат қилинган, аммо, бозордаги инструментларнинг етишмаслиги сабаб самара бермаган. Эндиликда, зарур инструментлар кўпайтирилса, капитал назорати йўлга қўйилса, бу жараён либераллаштирилса, акцияларнинг эркин айланмаси миқёси кенгайтирилса фонд бозори енгил нафас олади. Ўз навбатида, буларнинг барчаси хусусийлаштиришга, акциялар сотувида IPO ва SPO механизмларига кўпроқ таяниш зарурати бориб тақалади. Бундан ташқари, бугунги кунда иқтисодиётда давлат улушининг ҳиссаси ҳамон катталигича қоламоқда. Чиқарилган барча акцияларнинг 80 фоизи давлатга тегишлидир. Шунинг учун ҳам бу йўналишда ҳозирда жуда катта ишлар олиб бориламоқда. Охириги икки йилда кенг қўламли чоралар кўрилади, қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Айни пайтда 1,5 мингта давлат объектини сотишга қаратилган хусусийлаштиришнинг янги дастури тайёрланмоқда. Лекин бу кўрсаткич миқдорини ошириш бўйича берилган топшириққа асосан шу йилнинг ўзида яна битта дастур лойиҳаси ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри музокаралар орқали амалга ошириладиган битимларнинг шаффоғлигини таъминлашга, олдиндан эълонлар берилишига, маслаҳатчиларни жалб қилишга эътибор кучайтирилмоқда.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Игорь Бутиков ўз маърузасида фонд бозорини ривожлантириш учун нималарга эътибор зарурлигига ургу берди. Унинг эътирофича, миллий фонд бозорини жонлантириш ва инвестиция салоҳиятини кўтаришда туб ўзгаришлардан иборат қарорлар керак. Ҳозиргача қабул қилинган ҳужжатларда кузатилган

да мамлакатимизда капитал ҳаракатини бошқичма-бошқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушлар (акциялар)ни, шу жумладан, фонд биржаси орқали хусусийлаштириш каби бир қатор чораларни кўриш кўзда тутилган. Мисол учун капитал ҳаракатини бошқичма-бошқич эркинлаштириш йўлида давлат қимматли қоғозларини норезидентлар томонидан харид қилишга рухсат бериш, корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш, давлат улуши мавжуд корхоналарда хусусийлаштириш жараёнарига хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб қилиш, резидентлар томонидан чет мамлакатлардаги активларни сотиб олиш ва уларни декларация қилиш тартибини белгилаш мўлжалланган. Капитал бозори инфратузилмасини яхшилаш, давлат қимматли қоғозлар бозорини равнақ топтириш, аҳолининг молиявий саводхонлигини, профессионал иштирокчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилган.

Умуман, шулар сингари кенг қамровли вазифаларни бажаришда қандай механизмлардан фойдаланиш, қайси ёндашувларга таяниш кутилган самарани бериши мумкин? Шу ва бошқа саволлар доирасидаги масалалар ЎзЛиДеП ва унинг парламент қўйи палатасидаги депутатлари ташаббуси билан Давлат активларини бошқариш агентлиги, ушбу агентлик ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази ҳамда Инвестиция институтлари миллий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда атрофича муҳокама қилинди, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими хусусида сўз юритилди.